

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОҒАЕВ НОДИРЖОН ЭРГАШЕВИЧ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИДА  
ЁШЛАРНИ МИЛЛАТПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ  
ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ РОЛИ**

**09.00.04 - Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Тоғаев Нодиржон Эргашевич**

Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий меросида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий тараққиётдаги роли ..... 3

**Тоғаев Нодиржон Эргашевич**

Роль воспитания молодежи в духе патриотизма и заботы о нации в общественном развитии в социально-философском наследии Ислама Каримова ..... 21

**Togaev Nodirjon Ergashevich**

The role of education of youth in the spirit of patriotism and care for the nation in social development in the social and philosophical heritage of Islam Karimov .... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОҒАЕВ НОДИРЖОН ЭРГАШЕВИЧ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИДА  
ЁШЛАРНИ МИЛЛАТПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ  
ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ РОЛИ**

**09.00.04 - Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal337 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абилов Ўрол Муродович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Хажиева Мақсуда Султановна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Навоний давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.К.Каримов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

**С.А.Чориев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги глобллашув жараёнлари таъсирида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий ўзгаришлар кучайиб бораётган бир даврда бевосита ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш кераклигини тақозо қилмоқда. Айниқса, ёшларни “маънавий қашшоқлик” ва “ахлоқий таназул” каби ғайриинсоний иллатлардан химоя қилишда ўз Ватанига содик, юксак маънавиятли, миллатпарвар шахслар қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, ҳозирги вақтда ёшларни миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг истиқболли тенденцияларини ишлаб чиқиш ижтимоий тараққиётнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида миллатпарварликнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларига қаратилган амалий-фундаментал илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, миллатпарварликнинг инсонпарварлик моҳияти, ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллатпарварлик туйғусини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига оид олиб борилаётган тадқиқотлар илмий-амалий аҳамиятга эга. Зеро, бугунги глобллашув жараёнларининг интенцивлашуви бутун инсоният олдида муҳим илмий-конструктив аҳамиятга эга бўлган вазифаларни қўймоқда. Шу нуқтаи назардан аҳоли, айниқса, ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш тенденцияларининг фундаментал асослари ва уни шакллантириш омиллари ҳамда мезонларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан янгича тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг миллат маънавияти ва ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий ва маънавий меросини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, “Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ўлмас ғоялари, фикр, кўрсатмалари бизнинг қалбимиз ва онгимизга шундай чуқур сингиб кетганки, улар келажак сари қатъият билан боришимизда барчамизга доимо таянч ва суянч бўлиши муқаррар”<sup>1</sup>. Шу сабабли ҳам, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Каримовнинг ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш борасида қолдирган маънавий меросини янгича илмий, назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда муҳим концептуал асосларини ёшлар онгига сингдириш бугунги куннинг долзарб тадқиқот объектига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2018. - Б.10.

сийёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида” фармонлари ва 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сон “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ёшларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини, хусусан, миллатпарварликнинг инсонпарварликка йўғрилган моҳиятини тадқиқ қилиш ва бу орқали бугунги ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш алоҳида ўринга эга. Бу борада хорижлик Б.Андерсон, Э.Балибар, О.Бауэр, Э.Геллнер, М.Манн, К.Маннгейм<sup>1</sup>, Ю.Хабермас, М.Хрох сингари олимларнинг “ёшлар”, “миллат”, “миллатпарварлик” каби масалаларда олиб борган изланишларида илмий-амалий ва фалсафий хусусиятлари муайян даражада тадқиқ этилган.

МДХ давлатлари орасида М.Ю.Барбашин, И.С.Кон, В.Т.Лисовский, В.В.Павловский<sup>2</sup>, В.Я.Суртаев каби олимлар ёшлар тарбияси, ёшлар маданияти, миллат, миллатпарварлик мавзуларида тадқиқотлар олиб боришган. Шунингдек, бевосита Ислон Каримов ижтимоий-фалсафий меросида ёшлар миллатпарварлигининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари, уларнинг миллий кадриятларда инъикос этишининг ўзига хос хусусиятлари М.С.Гафарли, А.Ч.Касаев, Л.Левитин каби МДХ олимларининг монография ҳамда мақолаларида тадқиқ этилганлигини кўришимиз мумкин.

XX асрнинг 90-йилларидан XXI асрга қадар бир қатор Ўзбекистонлик файласуфлар, жумладан, Д.Азимова, Ж.Бахранов, М.Имомназаров, С.Отамуротов, А.Очилдиев, А.Чориев, С.Шермухамедов, А.Юнусов, Қ.Хоназаров, И.Хўжамуродов<sup>3</sup>лар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида миллат тушунчасининг мазмун-моҳиятини фалсафий тадқиқ этишган.

XXI асрнинг бошларида эса А.Жумаев, Б.Р.Каримов, Т.Махмудов, О.Р.Мусаев, А.Очилдиев, С.А.Чориев<sup>4</sup>, А.Эркаевлар миллатпарварлик тушунчасининг миллий ғоя билан боғлиқ жиҳатларини, Д.С.Абдуллажанова, Б.Алиев, М.Т.Воҳидова, Р.Э.Турдибоева, З.Р.Қодирова, О.М.Файбуллаев<sup>5</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида ёшлар маънавияти билан алоқадорлик

<sup>1</sup> Карл Мангейм. Диагноз нашего времени. - М.:Юрист, 1994. - С.445.

<sup>2</sup> Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодежи. Монография. - М.: Академический проект, 2001. - С.114.

<sup>3</sup> Хужамуратов И. Проблемы формирования национального (этнического) самосознание Узбекского народа и влияние на него ислама. Дис. док. филос. наук. (1994).

<sup>4</sup> Чориев С.А., Жумаев А. Миллий истиклол мафқураси ва миллатлараро муносабатлар маданияти. - Т.: 2002.

<sup>5</sup> Файбуллаев О.М. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар эстетик тафаккурининг ривожланиши масалалари. Фалс. фан. ном. дис-я. автореф. - Тошкент, 2005.

масалалари ўрганилган.

Аmmo юқорида зикр этилган тадқиқотларда айнан Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий меросида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий тараққиётдаги роли масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги мазкур диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний кадриятлар ва жамият барқарорлиги” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий меросида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий тараққиётдаги ролини аниқлаш ва ёшлар маънавий тарбиясида фойдаланиш юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий меросида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш юксак маънавий иммунитетни шакллантиришнинг асосий йўналишлари, мезонлари ва воситаларини янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш;

ёшларда миллатпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш орқали унинг антипори бўлган маҳаллийчилик, этноцентризм, уруғ-аймоқчилик ва непотизм (қариндош-уруғ) иллатларини бартараф этилишини илмий асослаш;

глобаллашув шароитида ёшлар дунёқарашида миллатпарварлик атрибутлари (миллатлараро тотувлик, ўзликни англаш ойкуменаси, миллий идентификация)ни такомиллаштириш асосларини ёритиб бериш;

Ислом Каримов асарларида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг фалсафий, илмий-назарий, маънавий-мафкуравий асосларини таҳлил қилиш;

ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашга доир амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ислом Каримов асарларида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақидаги концептуал ғоялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ислом Каримов асарларида ёшлар миллатпарварлиги муаммоларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини илмий асослаш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фалсафанинг анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, объективлик, қиёсий таҳлил, прогнозлаш, диалектик мушоҳада, кузатиш, умумлаштириш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ислом Каримовнинг ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги концептуал фалсафий ғоялари ёшларда мустаҳкам позиция ва юксак маънавий иммунитетни шакллантиришдаги бунёдкорлик моҳияти очиб берилган;

бугунги глобаллашув жараёнида ёшларда миллатпарварлик туйғусини шаклланишига салбий таъсир қилувчи деструктив омиллар (маҳаллийчилик, этноцентризм, уруғ-аймоқчилик, непотизм)нинг субстанционал асослари очиб берилган;

ёшлар онгида миллатпарварлик атрибутларини “даҳлдорлик” тамойили орқали такомиллаштириб лоқайдлик, эскапизм (фаол ҳаётдан қочиш), дауншифтинг (ўзи учун яшаш) каби ғояларга қарши мафкуравий иммунитетини ошириш ҳаётийлиги исботланган;

ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-назарий, маънавий-мафкуравий, маданий-прагматик ва умуминсоний асослари Ислом Каримов асарларининг қиёсий таҳлили асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотнинг ижтимоий-фалсафий йўналишидан келиб чиқиб, “ёшлар”, “миллат”, “миллатпарварлик”, “миллатпарварлик маданияти” ва “миллатпарварлик”нинг тузилиши, “миллатпарварлик маданияти”нинг функциялари яхлит илмий тадқиқот тизими сифатида таҳлил қилинган ва амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ислом Каримовнинг ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ижтимоий-фалсафий меросидан самарали фойдаланиш бўйича маънавий-маърифий соҳа вакиллари учун методологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

миллатпарварлик руҳида тарбияланган ёшлар бугунги глобаллашув шароитида миллий мафкурамизга ёт бўлган ғояларга қарши курашиш лозимлиги юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация хулосаларидан тарих, фалсафа, этика, эстетика, миллий ғоя, маънавият асослари ва маданиятшунослик фанлари доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида ва ёшлар маънавий-ахлоқий ривожланиши, уларнинг миллатпарварлиги билан боғлиқ муаммоларнинг ўрганилишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, диссертацияда баён қилинган таклиф ва тавсиялардан ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази ва унинг вилоят бўлимлари маданий-маърифий дастурларини



тайёрлаш ҳамда тадбирлар ўтказишда, маҳаллалар, ўқув-тарбия масалалари билан шуғулланувчи муассасалар, ижодий бирлашмалар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий меросида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий тараққиётдаги ролини тадқиқ этиш асосида:

Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий меросида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг ғоявий йўналишлари, эволюцияси, усул ва воситалари ривожлантирилгани фуқаролик жамиятида ёшларда мустақкам позиция, ғоявий саводхонлик, юксак маънавий иммунитетни таъминлаши асосланганлигига доир таклиф ва тавсияларидан “Маънавият тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Мустақиллик ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясининг ишлаб чиқилиши” деб номланувчи 3-боби ҳамда “Ёшларда мафкуравий иммунитетни мустақкамлашда миллий ғоянинг аҳамияти” деб номланган 23-бобини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 январдаги 89-03-126-сон маълумотномаси). Натижада, “Маънавият тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ёшларда миллатпарварлик туйғусини шакллантириш орқали миллий ўзликни англаш, миллий бирдамлик, жипслашишни тезлаштириб, маҳаллийчилик, этноцентризм, уруғ-аймоқчилик ва непотизм белгиларини сусайтириши асосланганлигига доир илмий янгилик ҳамда таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланманинг “Миллат тушунчаси. Миллатлараро муносабатларнинг жамият тараққиётига таъсири” деб номланган 3-боби, “Миллий ўзликни англаш ва миллий ғурурнинг ўсиши демократик ўзгаришларнинг қонуний оқибати” деб номланган 6-боби ҳамда “Миллатни глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилишнинг назарий-ғоявий асослари” деб номланган 18-бобини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 январдаги 89-03-126-сон маълумотномаси). Натижада, “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланманинг мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ёшлар онгида миллатпарварликнинг атрибутлари (миллатлараро тотувлик, ўзликни англаш ойкуменаси, миллий идентификация)ни шакллантириш орқали лоқайдлик, эскапизм, дауншифтинг каби ғояларга қарши курашиш мумкинлиги исботланганлигига оид амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгашининг 2019 йил март-апрель ойларида “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” мавзусидаги ва 2019 йил ноябрь ойидаги “Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни” мавзусидаги дастур сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2019 йил 25 декабрдаги 04-13/6410-сон маълумотномаси). Натижада, миллат ва мамлакат истиқболининг асоси бўлмиш соғлом,

жисмонан бақувват, маънан етук, ахлоқан пок, миллий маданиятли, миллатпарвар ёшларни камол топишига хизмат қилган;

Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий меросида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-назарий (ўтмишни ва ўзликни англаш), маънавий-мафкуравий (миллий, демократик тафаккур, инновацион ғояларни шакллантириш), миллий-маданий (моддий ва маънавий меросга қадриятли ёндашув), ижтимоий-ҳуқуқий (ўзбек модели, ҳаракатлар стратегияси, концепциялар), прагматик (ижтимоий-амалий йўналишлар) асослари ишлаб чиқилганлигига оид таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси томонидан 2019 йил январь ойида ўтказилган “Мустақилликнинг буюк меъмори”, 2019 йил июнь ойидаги “Ўзбекистон мустақиллиги: миллий тикланиш ва ўзликни англаш”, 2019 йил август ойида “Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ислом Каримовнинг тарихий ўрни” каби мавзулардаги дастур сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1/313-сон далолатномаси). Натижада, ишлаб чиқилган тадбир дастурларининг самарадорлигини ошириш орқали аҳоли, айниқса ёшларнинг жамиятда ўзини идрок этиши ва маънавий-маданий меросларга бўлган қизиқишларини ортишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (5 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот матнининг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган. Илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган. Изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ислом Каримов асарларида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг назарий-методологик масалалари” деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат. Мазкур бобнинг “Ислом Каримов асарларида ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий-тарихий ва маънавий-мафкуравий шарт-шароитлари” номли биринчи параграфида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг кўп жилдли асарлари, алоҳида эътироф этилган китоблари, маъруза ва чиқишлари алоҳида ёндашув асосида таснифлаб, беш даврга бўлиб ўрганилган ҳамда ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий-тарихий ва маънавий-мафкуравий асослари келтириб ўтилган.

Барча даврларда ҳар бир мамлакат ижтимоий тараққиёти эртанги куни билан уйғунлашган модернизация жараёнини вужудга келтириб, унда яшаётган миллат, элат ва халқ вакиллари бир мақсад сари бирлаштиришга интиладиган ғоялар, мафкуралар кўринишида пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир миллат вакилидан ўз она Ватанига бўлган буюк муҳаббат ва орзу-ниятларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган тарихий шахслар вояга етишиб чиқади. Мустақил Ўзбекистонда шундай тарихий шахс Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бўлди. Ислом Каримов мамлакатни янгидан ислоҳ қилиш, тубдан модернизация қилиш баробарида, миллий ва миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш борасида ҳам ички ва ташқи сиёсатга дахлдор ишларни амалга оширди. Бу ҳақда мухтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев “Ислом Абдуғаниевичга хос бўлган букилмас ирода фидоийлик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди”<sup>1</sup> – деб таъкидлайдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистон аҳолисини, айниқса, ёшларни мустақил, эркин ва озодлик ғоялари асосида тарбиялашни мақсад қилиб бир қанча ишларни амалга оширганлигини келтириб ўтишимиз мумкин. *Биринчидан*, ёшларни миллий ўзлигини англатиш, кадриятларни кадрлашга ўргатиш мақсадида миллий меросни асраб-авайлаш, ғоявий-мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, *иккинчидан*, диний эътиқодни миллий кадриятнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этиш ва кишиларга диний эркинлик бериш, унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш, *учинчидан*, Ўзбекистон аҳолисининг бир бутун эл бўлиб, Ватан манфаати йўлида ягона ғоя асосида бирлашиши, кучли сиёсий иродани намоён қилган ҳолда комплекс ислохотларни олиб бориш, *тўртинчидан*, ёшларда ватанпарварлик, мустақиллик руҳини мужассам қилиш мақсадида миллий армия, давлатчилик асослари бўлган Амир Темур ва темурийлар даври маданиятини чуқур ўрганиш, татбиқ қилиш, рамзий ҳайкаллари ўрнатилиши, *бешинчидан*, Ўзбекистон фуқаросининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва миллат, шахс сифатида озод инсон бўлиб яшаши, мустақилликни амалда ҳис қилиши

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2018. - Б.4.

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши том маънода мустақиллик руҳини намоён қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат ва халқларнинг миллий тили, урф-одат ва маданиятининг ҳар томонлама ривожлантирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган миллий-маданий марказларнинг ҳам ушбу жараёнда тутган ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Миллий-маданий марказлар ёшлар ўртасида миллатлараро тотувлик ғоясини сингдириш, уларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларда ўз миллий маданиятига, қадриятларига, менталитетига ҳурмат-эҳтиром туйғуси шаклланиши билан биргаликда, бошқа миллатлар ва уларнинг миллий маданиятига нисбатан толерантлик муносабати шаклланади.

Мазкур бобнинг “Ёшлар онгида миллатпарварлик маданиятини шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” деб номланган иккинчи параграфида “миллат”, “миллатпарварлик”, “миллатпарварлик маданияти” тушунчалари ва уларнинг тузилиши, функциялари тадқиқ этилди.

Глобаллашув шароитида ёшларнинг ижтимоий тараққиётда ўзи ва бошқа миллатларга бўлган муносабатларининг қанчалик даражада инсонпарварлик руҳида шаклланганлигини билиш масаласи жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишларини ташкил этиш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Демак, бунда биринчи навбатда “миллат” тушунчасининг замонавий талқинларини таҳлил қилиш орқали ёшларнинг маънавий вужудида миллий туйғусининг ўсиб боришига асосланган миллатпарварлик фазилатларининг ривожланиш тенденцияларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертацияда миллатпарварлик тушунчасига *миллатпарварлик – бу кишиларнинг муайян ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган, аввало, ўз миллати билан ғурурланиши, бошқа миллат ва элатларни камситмаган ҳолда, улар билан бир мақсад сари бирлашиши, ўз ғоясини мустаҳкам туриб ҳимоя қила олиши ҳиссидир*, деб таъриф берилади. Миллий онг шаклланиши миллатпарварликнинг бошланиши бўлса, ундан ғурурланиш, ифтихор туйиш миллатпарварлик маданияти ҳисобланади. “Миллатнинг маънавий-руҳий қудрати ва салоҳияти, уни ташкил қилган шахслар сонининг кўплиги билан эмас, миллат ичидаги миллатпарварлар салмоғи билан белгиланади”<sup>1</sup>.

Миллатпарварлик тушунчасини тадқиқ этиш барча халқлар учун муҳим аҳамият касб этган ҳолда, ижтимоий тараққиёт мазмунини теран англаб етишга, шу аснода “миллатпарварлик”нинг тузилишини ва унинг моҳиятини очиб беришга боғлиқдир. Ҳар бир миллат ва элатнинг тарихий тараққиёт жараёнида эришган ютуқлари асосида ўзига хос ва мос бўлган миллатпарварлик ҳақидаги тушунчалари шаклланиб боради ва тушунчанинг

<sup>1</sup> Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. - Т.: Akademiya, 2005. - Б.183-184.

ижтимоий моҳиятидан келиб чиқадиган тузилиши мавжуд бўлади. Бизнингча, “миллатпарварлик”нинг тузилиши қуйидагилардан иборат: миллий ғурур, миллий менталитет, тарихий хотира, миллий онг, миллий ифтихор. Буларнинг ҳар бири миллат ва элат ижтимоий тараққиёти жараёнида “миллатпарварлик”нинг кенг қамровли, сермазмун маъно касб этишига олиб келади.

Тадқиқот ишимизнинг янгилиги сифатида ёшлар ўртасида миллатпарварлик маданиятини шакллантириш зарур деб ҳисоблаб, миллатпарварлик маданияти тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: *Миллатпарварлик маданияти бу – этник келиб чиқишига кўра тилини, маънавияти ягоналигини, урф-одати, тақдирдошлигини ҳис қилиши, умумқадриятларни ривожлантириши, сақлаш, ҳимоялаш ҳисси, масъулиятини амалий кўринишидир.*

Ижтимоий тараққиётда миллатпарварлик маданияти миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор функцияларни бажаради. Булар: дунёқарашлик, методологик, аксиологик, гносеологик, гуманистик ва идеологик. Миллатпарварлик маданиятининг бу функциялари миллатнинг ижтимоий тараққиётдаги фаоллиги, эркинлиги, ривожланишини вужудга келтиради. Улар туфайли миллий муносабатлардаги масала ва муаммоларнинг ечимини топиш, муайян мақсад ва йўналишларни белгилаб олиш асос бўлади. Шу боис миллатпарварликнинг миллат ривожидида бажарадиган функцияларини билиш илмий тадқиқотларда унинг муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Миллий ўзликни англаш шароитида ёшларни миллатпарварлик асосида тарбиялашнинг йўналиш ва воситалари”** деб номланган иккинчи боби икки параграфдан иборат. “Ислом Каримов асарларида ёшларни миллий-маънавий тарбиялашнинг асосий йўналишлари” номли биринчи параграфиди Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий мероси асосида акс этган ёшлар масаласига доир қарашларнинг миллатпарварлик билан боғлиқ жиҳатлари, уларни тарбиялашнинг йўналишлари ижтимоий-фалсафий тадқиқ этилди. Шунингдек, Ислом Каримов асарларидан келиб чиққан ҳолда, ўтмиш тарихий меросимизни холисона ўрганиш, буюк аجدодларимиз томонидан яратиб қолдирилган бой илмий, маданий, маънавий соҳалардаги меросимизга бўлган муносабат таҳлил қилинди.

Миллатпарварликнинг ёшлар онгига сингиб бориши ва унинг жамиятда тутган ўрни доимо долзарб миллий муносабатлар билан уйғунлашган тарзда амалга ошади. Унинг ёшларга таъсири серқирра ва сермазмун бўлиб, Ислом Каримов асарларида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг бир қатор йўналишлари кўрсатиб берилган. Булар:

- тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихни холисона ўрганиш;
- аждодларимиз қолдирган бой илмий, маданий меросни тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш;

- ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда мустақилликни янада мустаҳкамлаш бўлиб ҳисобланади.

Ислом Каримов асарлари асосида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий жараённинг ҳосиласига айланиши лозим. Шу йўлда ёшларни бир мақсад сари бирлаштириш, уларнинг маънавий оламида Ватан туйғусини аждодларимизнинг бой фалсафий, илмий, маънавий ва маданий мероси билан қуроллантириш долзарб вазифадир. Бундай вазифани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда бевосита миллатпарварлик тушунчасининг роли катта бўлиб, ундан ҳар бир йигит-қизнинг оқилона фойдалана олиши, жамиятда мавжуд барча имкониятлардан янгича тафаккур маданияти асосида улғайиши, ўзлигини англаб етган ҳолда халқимизнинг миллий қадриятларини эъозлаши, мафкуравий жараёнларда миллатнинг келажаги учун қайғуриши ижтимоий тараққиёт учун ҳам муҳим саналади. Шу боис ёшларимиз руҳиятидаги миллатпарварликни ривожлантиришда тарихимизнинг зарварақларини холисона тадқиқ этиш, ундаги ҳар бир саҳифанинг нодир манбалар сифатида эъозланишини йўлга қўйиш жамиятимизнинг эртанги фаровон келажаги учун хизмат қилади.

Мазкур бобнинг “Ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг усул ва воситалари” номли иккинчи параграфида бир қатор тарбия усуллари ва воситалари: узлуксиз таълим, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъат, меҳнат, спорт ва интернет кабилар келтирилган. Бу тарбия воситаларидан фойдаланишнинг яхлит тизимига солинган кўринишини Ислом Каримов ўзининг фаолияти жараёнида яратган асарларида концептуал жиҳатлари билан асослаб, улардан фойдаланишнинг самарали ва фойдали йўллари кўрсатиб беради ва бу ҳақида “Илм-фан бўладими, санъат ёки спорт бўладими – бу соҳаларнинг барчасида катта ютуқларни қўлга киритиб, кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотадиган ана шундай ўғил-қизларимиз билан фахрланаман”<sup>1</sup>, – дея таъкидлайди.

Ислом Каримов асарларида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг йўналишлари, усул ва воситалари батафсил келтириб ўтилган. Бу ўз даврида натижа берган ҳамда узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарғибот сифатида эътироф этилган эди. Шу йўлда ёшларни бир мақсад сари бирлаштириш, уларнинг маънавий оламида Ватан туйғусини аждодларимизнинг бой фалсафий, илмий, маънавий ва маданий мероси билан қуроллантириш долзарб вазифа сифатида белгиланган. “Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, ким асрайди, деган

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т. :Ўзбекистон, 2005. - Б.36-37.

эътикод билан яшаши ҳеч шубҳасиз бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга”<sup>1</sup>.

Шундай вазифаларни бажариш, аввало, ёшлар онги ва қалбига миллатпарварлик, бағрикенглик каби маданиятни сингдириш, жамиятда мавжуд барча имкониятлардан янгича тафаккур маданияти асосида фойдаланиши, ўзлигини англаб етган ҳолда халқимизнинг миллий қадриятларини эъозлаши, мафкуравий жараёнларда миллатнинг келажаги учун қайғуриши ижтимоий тараққиёт учун ҳам муҳим саналади.

Диссертациянинг **“Ислом Каримов ижтимоий-фалсафий қарашларида миллатпарварлик – миллатлараро тотувлик ғоясининг асосий мезони сифатида”** деб номланган учинчи боби икки параграфдан иборат. “Ёшларнинг миллатпарварлик туйғуси – ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг қудратли кучи” деб номланган биринчи параграфидида жамият тараққиётида ёшларнинг миллатпарварлиги ижтимоий ҳаётнинг долзарб соҳаларини қамраб оладиган ҳуқуқий, диний, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий тараққиёт билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ёшларда миллатпарварликни шакллантириш ва юксалтириш ижтимоий тараққиёт жараёнини доимий равишда амалга ошириб борадиган тўхтовсиз ҳаракатининг маҳсулига айланиб кетган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги демократик ислоҳотлардан кўзланган мақсад ёшларнинг юксак маънавиятга эришувини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган етук шахсни вояга етказишдир. Бундай дунёқараш асосида ижтимоий ҳаётнинг туб моҳиятини ташкил этадиган миллатпарварликнинг миллий ва диний тараққиётдаги ролини чуқур англаб етиш лозим. Шундай мақсадни кўзлаган кўпмиллатли Ўзбекистонда бир мақсад сари интилиш, ёшларнинг келажагини ўйлаш Ислом Каримовнинг бир қатор маърузаларида ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида ижтимоий тараққиётнинг барча бўғинлари янги демократик андозага асосланиб, эволюцион йўлдан бориш даврида жуда кўп сиёсий, иқтисодий ва маънавий муаммолар пайдо бўлди. Натижада, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни маънавий ислоҳотлар билан бирга қўшиб олиб боришга тўғри келди. Жамиятдаги ислоҳотлар, биринчи навбатда, ёшлар руҳияти, миллий қиёфасига таъсир этиши табиий эди. Одамзод ўз табиатига кўра шижоатли, ғайратли, куч-қувватга тўлган, ҳаётга, фаолиятга чанқоқ бўлади. Ана шу фазилатларни тўғри йўлга солиш, тарбиялаш вазифаси жамият зиммасига тушади. Ислом Каримов ёшлардаги бундай табиий ғайратнинг рўёбга чиқишига ҳалал берадиган айрим ижтимоий иллатлар – бюрократия, таъмагирлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, айрим раҳбарлар томонидан ёш авлод тарбиясига беписандлик,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир // Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т. :Ўзбекистон, 2012. - Б.131.

масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш каби ҳолатларга танқидий муносабатда бўлади ва Ўзбекистоннинг келажаги малакали кадрлар масаласига боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратади.

Мазкур бобнинг “Ёшларда миллатпарварликнинг юксалиши – кўп миллатли Ўзбекистон миллий-маънавий тараққиётининг асоси сифатида” номли иккинчи параграфида мамлакатимизда кенг авж олган комил инсон тарбияси жисмонан бақувват, ахлоқан пок, маънан етук, ватанпарвар, миллатпарвар фуқароларни озод ва обод Ватан равнақи йўлида фаол шахс этиб вояга етказиш ва бу соҳада амалга оширилган ишларга қаратилган.

Ана шундай мақсадлар йўлида собитқадамлик билан ёшларнинг келажаги учун қайғуриш, уларнинг эртанги куни ёруғ ва фаровон бўлишига интилиш бугунги кун сиёсатининг ажралмас бир қисмидир. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай дейди: “Сизларга яхши маълум, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, бундай озод ва обод Ватан йўлидаги саъй-ҳаракатларни йилдан-йилга ривожлантириб бориш, жойларда ижтимоий ҳимоя тизимининг кучли механизмини яратиш долзарб масаладир.

